
Ички йўлларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Фарғона вилояти 4Р-140 “Марғилон шаҳар - Кува шаҳар - Мархамат шаҳар - Аравон қишлоғи” автомобил йўлининг 33.4 км.да жойлашган кўприкда қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли мазкур йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари Қорақум ва Каттақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали ҳаракатланмоқда.

Мазкур ҳудудлардаги ички йўлларнинг носозлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Хусусан сектор раҳбарлари томонидан ҳудудларда ўтказилаётган “Сайёр қабул”лар давомида келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб мазкур ички йўлларнинг 4,9 км қисмида таъмирлаш ва асфальтлаш ишлари амалга оширилди.

2022-03-05 12:28:45